

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК 658.01.(575.1)

ШАЙДАМОВ ПАРВИЗЖОН ШЕРМАТ ЎҒЛИ

**РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИДА МАҲСУЛОТ
ТАННАРХИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**

5A230103 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар) мутахассислиги бўйича

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: доцент М.Исаков

ТОШКЕНТ – 2020

Ушбу диссертация ишида қуйидаги асосий масалалар ҳал этилди: реал сектор корхоналарида маҳсулот таннархини таҳлил қилишнинг назарий услубий асослари аниқланган, реал сектор корхоналарида маҳсулот таннархи ва унга таъсир қилувчи омиллар таҳлили амалга оширилган ва реал сектор корхоналарида маҳсулот таннархини камайтиришнинг асосий йўналишлари келтирилган ҳамда тадқиқот давомида асосланган хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

In this dissertation the following main issues were solved: theoretical and methodological bases of product cost analysis in real sector enterprises, analysis of product cost and factors influencing it in real sector enterprises, main directions of product cost reduction in real sector enterprises and conclusions based on research, suggestions and recommendations are developed.

Магистрлик диссертация иши “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. ____ - сонли баённома « ____ » _____ 2020 й.


Илмий раҳбар: доц. М. Исаков



ИМЗО

сана

Магистр: П. Шайдамов




ИМЗО

сана

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси

мудир, доц. И. Хотамов



“ 16 ” 06 _____ 2020 йил

Ҳимоя 2020 йил “ 30 ” 06 _____ соат _____ да Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА

бет

Кириш.....	3
1-боб. Реал сектор корхоналарида маҳсулот таннархини таҳлил қилишнинг назарий-услубий асослари.....	10
1.1. Реал сектор корхоналарида маҳсулот таннархини таҳлил қилиш зарурати уни камайтиришнинг аҳамияти	10
1.2. Маҳсулот таннархини ташкил қилувчи харажатлар тушунчаси, таснифи ва тузилмаси.....	22
1.3. Маҳсулот таннархини ўрганиш ва материал сарфини камайтиришнинг услубий асослари.....	28
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	32
2-боб Реал сектор корхоналарида маҳсулот таннархи ва унга таъсир қилувчи омиллар таҳлили.....	33
2.1. «Bo'stonliq tuman sharob savdo» МЧЖ тавсифи, ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари таҳлили	33
2.2. Корхонада маҳсулот таннархини ташкил этувчи харажатлар ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили.....	42
2.3. Корхонада таннарх таркибидаги материал харажатлар ва маҳсулот турлари бўйича таннархнинг таҳлили.....	45
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	56
3-боб Реал сектор корхоналарида маҳсулот таннархини камайтиришнинг асосий йўналишлари	57
3.1. Корхонанинг молиявий ресурсларидан тўлақонли фойдаланиш асосида барқарорлигини таъминлаш йўналишлари.....	57
3.2. Корхонада маҳсулот таннархидаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини яхшилаш йўналишлари.....	61
3.3. Корхонада ресурслар тежамкорлигини таъминлаш ва маҳсулот сифатини яхшилашнинг асосий йўналишлари.....	68
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	78
Хулоса ва таклифлар.....	79
Фойданилган адабиётлар руйхати.....	82

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2020 йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифаларга тўхталиб қуйидагиларни таъкидлади:” Тўртинчидан, барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобланади.

... Очик бозор маҳсулот сифатини ошириш, таннархни пасайтириш, янги технологиялар олиб келишга мажбур қилади, бозор ислохотларини жадал ривожлантиради. Содда қилиб айтсак, жаҳон ишлаб чиқариш тизимида, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлишимиз лозим¹.”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулот таннархини камайтириш, шу орқали рақобатбардошликни ошириш 2020 йилги энг устувор вазифа бўлиши кераклигини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йил 2 декабрь куни 2020 йилда устувор йўналишлар бўйича ислохотларни жадаллаштириш, бу борадаги мақсадли параметрларни белгилаш ва таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилишда “Жаҳон бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги кунда иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш – энг устувор вазифа, замон билан ҳамнафас бўлишнинг муҳим шарт” экани таъкидланди².

2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида таркибий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси/<https://president.uz/uz/lists/view/3324>